

Аслиддин SULTONOV

*PhD, senior teacher at the department of
«Social and humanitarian sciences» of
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN.*

*E-mail: a.sultonov@iiaau.uz,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.*

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ФАЛСАФИЙ ПАРАДИГМАСИ

НОВАЯ ФИЛОСОФСКАЯ ПАРАДИГМА КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ

THE NEW PHILOSOPHICAL PARADIGM OF CULTURAL DEVELOPMENT

Калит сўзлар: маданият, маънавийлик, оқилоналик, фойдалилик, инсонийлик, ихтиёрийлик, уйғунлик, барқарор тараққиёт.

Ключевые слова: культура, духовность, рациональность, полезность, человечность, добровольность, гармония, устойчивое развитие.

Keywords: culture, spirituality, rationality, usefulness, humanity, voluntariness, harmony, sustainable development.

Глобаллашув шароитида давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши соғлом маънавий-мафкуравий ва маданий ҳаётга маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бугунги ёш, ўсиб келаётган авлоднинг ўз мутахассислиги бўйича маълумотлардан ташқари, маънавий ҳаётга алоқадор илмий асосланган билимларни аввало топиши, қолаверса, «ҳазм қилиши» қийинлашиб бормоқда. Глобаллашувнинг фаол воситалари маконида турли-туман бир-бирига қарама-қарши маълумотлар жойлаштирилмоқдаки, бу маънавий ҳаётнинг хиралашувига, маданиятнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Бу ҳақида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов [2008, 113] «ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролга айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар», дея таъкидлаган эди. Мазкур ҳолат нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё миқёсида кузатилаётгани миллий ва умуминсоний маданият тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар динамикасини аниқ илмий асосда тадқиқ этиш лозимлигини тақозо этади.

Сўнгги йилларда ижтимоий жараёнларни ўрганишга қаратилган мамлакатимиздаги тадқиқотларнинг самардорлик даражаси паст бўлиб қолаётгани ҳақиқат. Бунга кўпга омиллар ўз таъсирини ўтказиб бериши таъкидлаш жоиз. Бир томондан, жаҳон ҳамжамиятининг фаол ўзaro ҳамкорлиги ва глобаллашув тўқинлари ижтимоий тадқиқотлардаги диагностик хулосаларни ишлаб чиқиш ва профилактик чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишдан олдинда кетаётгани, иккинчи томондан эса, жорий тадқиқотларда умумий аниқ ёндашув ва парадигмаларнинг етишмаслиги сабаб бўлаяпти. Амалга оширилаётган тадқиқотлардан конкрет парадигмал ёндашувни ОАК талаб қилаётганини ҳисобга олмаганда, илмий жамоатчилик орасида бунга интилиш сустигида қолмоқда. Бизнингча, айнан шу сабабли ҳам тадқиқотларнинг реал амалиётни изоҳлаш ва самарали чора-тадбирларни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқишдаги аҳамияти деярли сезилмаяпти. Ижтимоий ҳаётда илмий жамоатчиликдан кўра, публицистик-блогерлик фаолиятининг ўрни кўпроқ бўлаётгани ҳам шу билан изоҳланади.

Шундай экан, ижтимоий жараёнларни теран тасаввур этиш, уларни маданий тараққиётга мувофиқ йўналишда ташкил этиш, қўзғатиётган муаммоларнинг илмий ечимларини топиш имкониятларини ошириш учун «маданият»нинг фалсафий-концептуал таҳлилини амалга ошириш тақозо этилади. Мазкур мақола «маданият» тушунчасига оид турли ёндашувларнинг ўзaro детерминистик муносабатларини аниқлаш ва шу асосда, маданий тараққиётнинг замонавий меритологик парадигмасини ишлаб чиқишга бағишланади.

Не секрет, что в последние годы эффективность исследований в нашей стране, посвященные изучению социальных процессов остается низкой. Стоит отметить, что на это влияет множество факторов. С одной стороны, активное взаимодействие международного сообщества и волны глобализации идут впереди, чем разработки диагностических выводов и осуществлению профилактических мер в социальных исследованиях, а с другой стороны, в нынешних исследованиях отсутствуют четкие научные подходы и парадигмы. За исключением требования конкретного подхода ВАКа при КМ РУз, научное сообщество (в большинстве случаев, даже в своем окружении) не пришло к общему научному решению об определенных парадигмах. По этой причине почти не замечаются существенные социальные исследования, охарактеризующие реальную действительность и вырабатывающие соответствующих эффективных мер. Данное положение аргументируется и в активной публицистической деятельности блогеров, нежели академического сообщества.

Возникает необходимость проведения философско-концептуального анализа «культуры», в целях поиска научных решений существующих проблем, обеспечения более глубокого понимания социальных процессов, и их организацию в направлении культурного развития. Данная статья направлена на выявление детерминированных связей между различными подходами к понятию «культура» и, следовательно, на разработку современной меритологической парадигмы культурного развития.

It is no secret that in recent years the effectiveness of research in our country devoted to the study of social processes remains low. It is worth noting that many factors influence this. On the one hand, the active interaction of the international community and the waves of globalization go ahead than the development of diagnostic findings and the implementation of preventive measures in social research, and on the other hand, current studies lack clear scientific approaches and paradigms. Except for the requirement of a specific approach of the Higher Attestation Commission under the CM of the Republic of Uzbekistan, the scientific community (in most cases, even in its environment) did not come to a general scientific decision about certain paradigms. For this reason, substantial social studies characterizing the reality and developing appropriate effective measures are hardly noticed. This position is argued in the active journalistic activities of bloggers, rather than the academic community.

It is necessary to philosophical and conceptual analysis of "culture" in order to search for scientific solutions to existing problems, to provide a deeper understanding of social processes, and their organization in the direction of cultural development. This article is aimed at identifying deterministic relationships between different approaches to the concept of "culture" and, therefore, at developing a modern meritological paradigm for cultural development.

Маданиятни ўрганиш мақсади

Инсоният азалдан ҳаёт соҳаларининг катта қисми бўлган маданиятни ўрганишга, унинг асосий хусусиятлари, умумий мазмун-моҳиятини билишга интилиб келади. Уни билишга қизиқишнинг сабаблари нимада, деган савол туғилади. Бизнингча, бундай қизиқишлар, аниқ дастурлар асосида ташкил этиладиган илмий тадқиқотлар бир қатор (объектив ва субъектив) сабаблар билан изоҳланади. Чунинчи, улар доим аниқ мақсадларни кўзлаб, муайян муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ҳолда ташкил этилади. Энг аввало, инсоният ҳаётининг ҳамма жабҳасини янада яхшироқ ташкил этиш – ўзини англаш ҳамда «ўзга»ларда-

ги аҳамиятли жиҳатлардан ижобий фойдаланиш каби тараққийпарвар мақсадлар бунга туртки бўлади. Айни пайтда афсуски, «ўзга»лардаги камчиликларни аниқлаш асосида ўзига қарам қилиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш сингари ғайриинсоний мақсадлар ҳам турли халқлар ва фаолият соҳаларидаги маданиятни ўрганиш сабаби бўлиб келган. Тарихдаги баъзи илмий экспедициялар ва замонавий тадқиқотлар фикримиз асоси бўлиб хизмат қилади. Қуйида маданият таҳлилини амалга оширганда ушбу ёндашувларнинг ҳар иккаласи натижаларидан фойдалансак-да, ўз мулоҳазаларимизни биринчи позициядан келиб чиқиб илгари сурамиз.

Маданиятни ўрганишда қўлланидиган ёндашувлар

Серкирра ва мураккаб ҳодиса бўлган маданиятнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тарих, фалсафа, маданиятшунослик, этнология, санъатшунослик, лингвистика, сиёсатшунослик, социология, психология, антропология, иқтисодиёт, педагогика каби фанлар доирасида амалга ошириб келинган тадқиқотлар натижасида бугунгача 400 дан ортиқ таърифлар ишлаб чиқилгани унинг мазмуни ва моҳиятини аниқ тасаввур этишни қийинлаштиради. Ушбу қийинчиликнинг олдини олиш зарурати туфайли мавжуд таърифлар алоҳида таснифларга ажратилган ҳолда нисбий яхлитлаштирилади. Шунга биноан, йирик ўзбек маданиятшунос олими томонидан келтириб ўтиладики, илмий адабиётларда маданиятнинг моҳиятини натуралистик, классик, ноклассик, аксиологик, фаолиятли, семиотик ёндашувлар асосида ўрганиш кенг тарқалган [Очилдиев, 2010, 6-7]. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга ва улар бир-бирини тўлдиради. Қуйида мавжуд ёндашувларни детерминистик боғлиқлик нуктаи назаридан қайта таснифлашга ҳаракат қиламиз.

Натуралистик ёндашувда маданиятга инсон табиати ривожланишининг оддий давоми, эволюциясининг якуний босқичи сифатида қаралади. Мазкур ёндашув бўйича *маданият – тараққиёт даражаси сифатида* қаралишига рози бўлиш мумкин, бироқ *эволюциянинг якуний босқичи (?)* эканлиги кишини ўйлантиради. Сабаби, агар маданият кишилиқ эволюциясининг якуний босқичи бўлса, унда эволюция тўхташи керак. Эволюцион ривожланишдан тўхташ деган сўз ҳаёт тўхтади, деган билан баробар. Ваҳоланки, маданиятнинг ибтидоийликдан то ҳозиргача такомиллашиб, эволюцион ривожланиш узлуксиз давом этиб келаётган экан, юқоридаги изоҳ парадоксалдир. Шундай экан, бундай қарашга тузатиш киритиб тушуниш лозим бўлади. Яъни, маданиятшунослик тадқиқотлари аввалида келтирилган таърифга кўра, маданият – инсон ва жамият ҳаётининг нисбатан юксалган босқичидир.

Кишилиқ жамиятининг дастлабки, нисбатан ёввойи ҳолатидан юқорироқ босқичга ўтишини ифодаловчи бу натуралистик-эволюционистик ёндашув Ф.Г.Клемм, Э.Б.Тайлор, Л.Г.Морган, Ж.Ж.Фрезер каби Ғарб олимларининг асарларида учрайди. Уларнинг тадқиқотида маданиятни географик ва тарихий мансублигига кўра таркибий қисмларга ажратиш, таснифлаш мақсадга мувофиқ кўрилади. Масалан, инглиз эволюционизм назарияси отаси, маданиятшунос Э.Б.Тайлор (1832–1917) [1989, 24] маданиятни инсонлар ҳаётини яхшилаш

мақсадида онгли равишда яратилган рационал тузилма, деб ҳисоблайди. Унингча, ҳар бир келгуси авлод олдингиларига нисбатан юқори маданий шароитларда яшайди. Жамиятда тарбияли ва маданиятли одамлар қанча кўп бўлса, у шунча ривожланган ҳисобланади.

Эволюционистик қарашлар маданиятшунослик илмий тадқиқотлари ривожига катта туртки бериб юборди. Кейинги олимлар объект сифатида алоҳида шахсларни, ижтимоий гуруҳларни, халқлар, миллатлар каби турли маданият субъектларини ҳамда уларнинг фаолият йўналишларини, предмет сифатида эса улардаги тараққий этганлик ёки этаётганлик хусусиятларини турли томондан ўрганишни жадаллаштирдилар. Хусусан, сифат юксалишини нима таъминлайди (фаолиятли), қандай қилиб таъминлайди (методологик), нималарда ўз ифодасини топади (тузилмавий), қандай аниқланади (меритологик), ниманинг ҳисобидан шаклланади (фундаментал) ва қандай ривожлантирилади (институционал) деган саволлар нисбатан мустақил ёндашувларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган.

Хусусан, *тараққиётни нима таъминлайди*, деган савол остида шаклланган **фаолиятли ёндашув** маданиятнинг кўринишини аниқлашда қўл келади. Бунга кўра, маданият – инсоннинг «биринчи табиат»га ишлов бериб, «иккинчи табиат»ни яратиш фаолиятида кўринади [Цицерон, 2016]. Чунки фаолият жараёнида ижодкорлик хусусиятларини ишга солиб, инсон маданиятнинг у ёки бу шакллари яратади, тараққиётга ўз ҳиссасини қўшади. Жумладан, мазкур ёндашувнинг асосларига эътибор қаратилса, сиёсий (раҳбарлик, қонунчилик, бошқарув, ҳарбий), иқтисодий (бошқарув, савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, боғдорлик, чорвачилик, фермерлик), ижтимоий (таълим бериш, тадқиқот, тиббий, овқатланиш) каби хилма-хил фаолият соҳалари маданиятнинг ифодаси тарзида тушунилади.

Бизнингча эса фаолиятнинг ўзи ҳали сифат юқорилигини англатмайди, чунки фаолиятнинг барча соҳа ва кўринишлари ҳам тараққиётга ҳисса қўшолмайди, демак маданият ҳисобланмайди. Мисол учун, бошқарув фаолиятини олайлик. Айрим бошқарув субъектларининг фаолияти танқидий баҳоланиб, ҳатто умумий ривожланишга салбий таъсир ўтказгани туфайли бундай фаолиятга чек қўйилади. Бундай ҳолат барча фаолият соҳаси ва турида учраб туришини инобатга оладиган бўлсак, фаолиятнинг ўзи ҳали маданият эмаслигини кўрсатади, ва айни пайтда маданият деб айтилиши учун унинг ўзига хос муҳим хусусиятларини очиб бериш даркор бўлади.

Ана шу эҳтиёж туфайли қандай қилиб сифат ошиши таъминланади, деган савол остида **технологик ёндашув** вужудга келади. Бунга биноан, маданият – фаолият жараёнида субъектнинг ўзаро таъсирга киришувчи иккинчи томонга (табиат, инсон, жамият, давлат ва ҳ.к.ларга) бўлган муносабатини ифодаловчи усул ва воситалари характерини англатади. Ўз навбатида, муносабат характерининг фаолият жараёнида қўллайдиган усул ва воситалар асосида аниқланишига эътибор қаратадиган **методологик**, уларнинг муайян тартиб-таомилдан келиб чиқишини илгари сурувчи **норматив** (Сукрот, Кант, Гёте, Хосе Ортега-и-Гассет ва бошқалар) ва **традиционалистик** (Конфуций) нуқтаи назарлар ушбу ёндашувни мустаҳкамлайди. Агар чуқурроқ фикр юритилса, фаолиятнинг зарурий тартиб-таомиллари, норма ва усуллари фаолият объектининг табиий-объектив қонуниятларига асосланади. **Рационал** (позитивизм ва прагматизм вакиллари) нуқтаи назар деб аташ мумкин бўлган бунга кўра, нимаики объектив ақлга (илмий қонунларга) мос келса, ўша маданият ҳисобланади. Мисол учун, табиатга ишлов бериш жараёнида инсон объектив табиий қонуниятларни билиши тақозо этилади. Ижтимоий муносабатларга киришган субъект ҳам фаолиятни антропологик ва ижтимоий қонуниятлар асосида, яъни ўз тартиб-таомили асосида ташкил этмас экан, кутилган натижага эришиши қийин бўлади. Шу маънода ҳар бир фаолиятда ўз тартиб-қоида-сига риоя этиш маданиятлилиқ даражасини ифода-лайди. Ана шундай тартиб-таомил ижтимоий муносабатлар тизимида аввал ахлоқ, кейинроқ қонун шаклида намоён бўлди.

Объектив қонуниятлардан келиб чиққан ва тажрибада ўзини оқлаган ижтимоий нормалар, расм-русумлар муайян ижтимоий гуруҳ, оила, меҳнат жамоаси (бир авлод) томонидан қабул қилиниб, бир-бирига етказилиши **урф-одат**ларни шакллантирса, уларнинг умумхалқ томонидан қабул қилиниши ва авлодлараро давом этиши **анъаналар**ни вужудга келтиради. Анъаналар қадриятларни авлоддан-авлодга узатиш воситаси сифатида ҳам изоҳланади. Катта авлод қайси қадриятларни узоқ сақлаб, амал қилиб келган бўлса, шулар анъаналар ҳисобланади. Аслида, урф-одат ва анъаналарнинг ўзагини объектив қонунлар, улар асосида қўлланилган усул-воситалар ва бунинг фойдали натижалари ташкил этса-да, илм-фанда бу омиллар умумий **қадриятлар** сифатида изоҳлана бошлади. Маълумки, қадриятлар – бу шахс, ижтимоий гуруҳ ва тизимнинг мавжудлиги, барқарорлиги ва тараққиёти йўлида фойдали аҳамиятга эга бўлган нарса ва ҳодисалар бўлиб, улар икки хил бўлади. Биринчиси **субстанционал**, яъни ўз-ўзича қадрият-

лар, мақсад-қадриятлар; иккинчиси **методологик**, ўз-ўзича қадриятларга етишиш учун аҳамиятли бўлган нисбий, восита-қадриятлар. Субстанционал қадриятларга етишишда қўлланувчи чора-тадбирлар, усул ва воситалар, риоя этиладиган меъёрлар методологик қадриятлар бўлиб, узоқ вақт қайта-қайта такрорланиш натижасида анъанага айланади. Шуниси ҳам борки, бундай методологик қадриятлар ижтимоий ҳолат ва вазиятга қараб ўзгаришга маҳкумдир. Анъаналарнинг ўзгариши-гача таъсир қилувчи бундай ўзгаришлар, албатта, субстанционал қадриятларга боғлиқ бўлиб қолаверади. Қадриятлар ва анъаналар орасида биринчиси белгилловчи аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Шундай бўлса-да, янги қадриятларни ўзлаштириш нисбатан осон, уларни анъанага айлантириш эса мураккаброк, чунки бу узоқ вақт ва изчил чора-тадбирларни бажаришни талаб қилади. Қадриятларнинг ўзгариши анъаналар ўзгаришига қараганда тезроқ содир бўлади. Янги қадриятларни яратиш ёки қабул қилиш аҳамияти олдида жамият учун уларни анъанага айлантириш фойдаси кўпроқдир. Бундан ташқари, қадриятларни яратиш, ўзгартириш кўпинча шахсга, анъаналарнинг шаклланиши эса фақатгина тизимга боғлиқ. Табиийки, маданиятнинг мустаҳкам бўлиши бир шахсдан кўра тизимнинг умумий ва ўзаро уйғун, изчил фаолиятига боғлиқ бўлади.

Албатта, ҳар бир урф ва одатга айланган амалиёт муайян тарихий тажрибалар доирасида сайқалланиб, оқилоналашиб келади. Шу маънода, немис файласуфи Гегель «урф-одат ва анъаналар оқилдир», дея ҳисоблайди [Скирбек, Гилье, 2002, 473]. Ҳар бир вазиятда амалий фаолиятнинг ўзига хос урф-одатлари мавжудлигидан келиб чиқилса, ҳар бир фаолиятнинг ўз маданияти борлиги сабаби аниқ бўлади. Демак, маданият тараққиёт даражасини изоҳлашда буни таъминловчи ички қонун ва қоидалар, тартиб-таомилларга таянади.

Кўриниб турибдики, технология ишлаб чиқариш жараёнида оқилона усул ва воситаларнинг қўлланишини ифода этиб, маданият хусусиятларини аниқлашда ўз ўрнига эга. Бунда технология маданий воқелик сифатида намоён бўлади. Маданиятга технологик қараш у тўғрисида нисбатан яхлитроқ тасаввурни ҳосил қилишда катта аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, **маданият – фаолият жараёнидаги муносабат ва усуллар характери**дир. Зеро, рус ёзувчиси Максим Горький [1949, 535] «маданиятнинг юқорилиги аёлга бўлган муносабат билан аниқланади», деб айтганида; «Фалсафа: қомусий луғати»да [2004, 230], маданият – табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули, дея таъриф келтирилишида унинг

шу хусусияти назарда тутилади. Муносабат характери бунда қўлланиладиган усуллар, воситалар, механизмларга, объектив қонуниятларга асосланар, ва мазкур ёндашувсиз маданиятни ўрганиш тўлиқ бўлмас экан, барча фаолият соҳаси ва турларида ушбу жиҳатларга жиддий эътибор бериш тақозо этилади. Жумладан, бошқарув маданиятининг ривожланиш хусусиятларини ўрганишда фаолиятнинг нечоғлик объектив қонуниятларга таянишига, ўз тартиб-таомилларига риоя этилаётганига, қўлланилаётган технологик усул ва воситаларнинг асослилиги ва фаолият субъектининг муносабатлари характерига урғу бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу маънода, биринчи бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи маданиятнинг нималарни ўз ичига олишига, унинг асосий шаклларига эътибор қаратган **тузилмавий ёндашувни** вужудга келтирди, десак хато бўлмайди. Унинг асосий ғояларига кўра, маданий ҳодисалар мустақил субстанционал табиатга эга бўлмай, балки ўзининг ички тузилиши билан аниқланади. Шу асосда фанда маданиятга «инсон фаолияти натижасида яратилган барча моддий ва номоддий бойликлар мажмуи» сифатидаги (фаолият жараёни эмас, балки натижаси сифатидаги) таъриф ишлаб чиқилган. Маданиятнинг мазмунини аниқлаштирувчи бир неча қарашлар мазкур ёндашувнинг кенг қамровлигини ва кўп тадқиқотларда қўлланилганини акс эттиради.

Нисбатан кенг тарқалган *аксиологик қарашга* кўра, инсон томонидан яратилган барча моддий ва маънавий қадриятлар маданият саналади. Мазкур нуқтаи назар тарафдорлари (неокантчилар Баден мактаби – Виндельбанд, Риккерт, М.С.Каган, М.Вебер, А.Очилдиев ва б.лар) фикрича, муайян шахс, гуруҳ ёки халқ томонидан яратилган ва албатта, қадри ҳисоблаган бойликларни маданият шакллари сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқатан ҳам, қадриятларни ўрганиш асосида тегишли маданият субъектларининг онгу тафаккури, менталитети ва дунёқараши характерига аниқлик киритиш ва шу асосда улар билан конструктив муносабатларга киришиш мумкин бўлади. Айниқса, ўзга маданият вакиллариининг қадриятлар тизими тадқиқотчилар диққатини ўзига қаратиб келганига эътибор берадиган бўлсак, ғоят қизиқарли, илмий фактларга бой маълумотлар билан танишиб бориш мумкин.

Символик (семиотик) нуқтаи назар тарафдорлари (Пифагор, неокантчилар Марбург мактаби – Г.Коген ва б.лар) эса онгни акс эттирувчи тил, сўз, тушунча, ишоралар, белгилар, санъат тизимини маданият шакллари сифатида атрофлича таҳлил этишга эътибор қаратадилар. Шунингдек, маданият тузилмаси доирасида Р.О.Якобсон – тил ва ада-

биёт; маданий антрополог Клод Леви-Стросс – миф ва фольклор; Ж.Фрезер – миф, дин, фольклор каби ижтимоий онг шакллариини чуқур ўрганишгани ҳам айна йўналишдаги тадқиқотлардан саналади.

Антропологик нуқтаи назарга кўра эса, маданият жамиятда инсоннинг барча жиҳатларини – билим, ҳуқ-атвор, эътикод, санъат, ахлоқ, қонун, анъаналар ва ҳ.к.ларни қамраб олади [Singer, 1968]. Машҳур инглиз социологи Э.Гидденс «маданият ўз ичига муайян гуруҳларга тааллуқли бўлган қадриятларни, улар риоя этадиган меъёрларни, улар яратадиган моддий ноз-неъматларни қамраб олади», деб ҳисоблайди [Giddens, 2002, 52]. Тарихчи олим А.Маврулов [1993, 46] «маданият, жумладан, фан, адабиёт ва санъатнинг буюк асарлари жамият тараққиётининг муайян босқичида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келиб, мазкур жамият ҳаётини акс эттиради», дея маданиятга фан, адабиёт ва санъат кабиларнинг мажмуи сифатида қарайди.

Шу билан бир қаторда, маданият, унинг таркибий элементлари қайси манбалар негизидан (ниманинг ҳисобидан) келиб чиқади, ривожланади, деган савол **фундаментал нуқтаи назарни** вужудга келтирди. Кўп ҳолларда маданиятнинг негизини назарда тутувчи мазкур нуқтаи назар тузилмавий ёндашув таркибида келишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Тўғри, тузилмавий элемент сифатида маданият қайсидир асосда вужудга келади, аммо уни оддий элемент сифатида эмас, балки маданият элементларининг манбаси сифатида қараш тўғрироқ бўлгани сабабли, шундай атасак, мақсадга мувофиқ бўлади. Хўш, маданиятнинг асосида нима туради?

Аксарият олимлар сифат ўзгаришини маънавият (ахлоқ) туфайли, деб ҳисобловчи *классик ёндашувни* шакллантирдилар [Очилдиев, 2010; Alimardonov, 2005]. Иммануэл Кант учун маданият тараққиёти аввало ахлоқ тараққиёти бўлса, Гегел учун фалсафа тараққиёти асосий ҳисобланади [Фалсафа, 2004, 231]. Юқорида кўриб ўтдикки, ахлоқ маданиятнинг ресурси эмас, балки кўриниши сифатида намоён бўлади. Уни маданиятни вужудга келтирувчи омил эмас, балки шаклланган маданиятнинг характерини кўрсатувчи воқелик сифатида ўрганиш мантиқан тўғри бўлади.

Аслида эса маданиятнинг негизини ақлий ва маънавий-руҳий салоҳият ташкил этади. Маданиятни маърифатлилик, зиёилик ёхуд тарбиялилик каби сифатлар билан уйғунлаштириш шу билан изоҳланади. Унинг шаклланиши ва ривожланишида бу икки омилнинг таъсири фундаментал ҳисобланади. Айнан шу асосда инсон «биринчи табиат»га ишлов беради, шунинг натижасида маданият деб юритиладиган бойликларни яратади. Аммо, ақлий ва маънавий сифатларнинг шаклланиши

нима билан боғлиқлигини тадқиқ этган инсоншунослик илмида яратувчанликнинг бундан ҳам чуқурроқ манбасига эътибор қаратилади. Психологик тадқиқотларга кўра, тегишли қобилиятга эга бўлмаган инсон яратувчанлик сифатларини намоён эта олмайди, маданият вужудга келишини таъминлай олмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, маданиятнинг фундаментини яхлит ҳолда қобилият, ақл-заковат ва маънавий-руҳий юксак сифатлар (*биргаликда, бунёдкорлик салоҳияти*) ташкил этади. Маданиятлик даражаси ҳам уларнинг даражасига мос ҳолда аниқланади.

Маданият тўғрисидаги таърифларда юқоридагидек бир қараш билан чекланмасдан, балки бир неча ёндашувларни қамраб олиш ҳоллари ҳам кузатилади. Жумладан, миллий маданиятшунос олим С. Отамуратов «Маданият деб – инсоннинг ўзлаштиришдаги, табиат, жамият дунёсини билиб олиши, салоҳиятини ва уларнинг натижаси ўлароқ юзага келган моддий борликни тушуниш мумкин» [Отамуратов, 2015, 20], дея фаолиятли, тузилмавий ва салоҳиятли ёндашувларни уйғунлаштиради. Унда устоз-профессор таъкидлагандек, «а) инсон фаолияти билан боғлиқлигига; б) инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларга; в) инсоннинг уларни яратишдаги салоҳиятига асосий эътибор қаратилган».

Маданиятнинг янги таърифи

Юқоридаги ёндашувларнинг барчаси биргаликда қўлланилганда ҳам маданият аниқ қиёфа касб этмайди. Бошқача айтганда, фаолиятнинг ўзи, унда қўлланилган усул-воситалар, фаолият натижасида қўлга киритилган бойликлар ёки буларнинг негизида турган салоҳият ҳам ўз ҳолича сифат тараққиётини таъминлай олмайди. Инсон, жамият ва инсониятнинг янги марраларга чиққани ёки чиқаётганини аниқлаш, ўлчаш зарурати маданиятга қарашнинг янги йўналиши вужудга келишига замин бўлади. Бизнингча, аксиологик ёндашув шунга уриниш сифатида вужудга келган бўлиб, унда яратилган бойликларни муайян саралаш ҳаракати мавжуд. Агар қадрият деганда «жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар назарда тутилиши» га эътибор берилса [Фалсафа, 2004, 476], ҳозиргача мустаҳкам позицияни эгаллаган мазкур ёндашув нисбий эканлиги, маданиятни тўлиқ қамраб ололмаслиги аён бўлади. Яъни, шундай нарса, ҳодиса ва воқеалар борки, бир инсон (ижтимоий гуруҳ, халқ) учун аҳамиятли бўлгани билан бошқа инсон (ижтимоий гуруҳ, халқ) учун нафақат аҳамиятсиз, балки ҳалокатли бўлади. Бунга инсоният тарихи ва бугунидан кўплаб мисол келтириш мумкин. Демак, қадриятли ёндашувнинг бир томонламалиги туфайли, маданият деб аташ

учун яратилган моддий ва номоддий бойликларни бошқача ўлчамда саралашга эҳтиёж мавжуд.

Меритологик ёки мезоний ёндашув деб аташ мумкин бўлган бизнинг фикримизча, фаолият, ундаги усул ва воситалар, бунинг натижасида яратилган бойликлар маънавийлик мезонига мос бўлсагина, янада аниқ айтганда, *оқилона, фойдали, инсоний, ихтиёрий* бўлса ва ўзаро *уйғунликни, барқарорлик* ва *бардавомликни* мустаҳкамлашга хизмат қилсагина, маданият деб айтиш мумкин бўлади.

Маънавийликнинг ушбу хусусиятларга эгалиги Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг «**Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак**», деган изоҳи билан англашилади [Каримов, 2008, 29]. Шунингдек, инсонийлик унинг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаатларини олий қадрият сифатида рўёбга чиқаришда намоён бўлишини назарда тутадиган бўлсак, мантиқан у фойдалиликка ҳам таяниши аёнлашади [Каримов, 2006, 61-97; Туйчиева, 2014]. Ўз навбатида, XX асрда чуқур илдиз отган ва дунё бўйлаб тарқалган позитивизм ва прагматизм фалсафаларига кўра, фойдалилик (ижобийлик) – аниқлик, ақл-заковат ва илм-фанга мувофиқлик, оқилоналик билан аниқланади. Жумладан, О.Конт «позитивизм» тушунчасини биринчидан, ёлғончиликка қарши ҳаққонийлик; иккинчидан, кераксизликка қарши фойдалилик; учинчидан, шубҳалиликка қарши ишончлилик; тўртинчидан, ноаниқликка, мавҳумликка қарши аниқлик; бешинчидан, салбийликка қарши ижобийлик ва ниҳоят, олтинчидан, бузғунчиликка қарши тузувчанлик сифатида таърифлайди [Ғарб фалсафаси, 2004, 520]. Бундай ғоя Шарқ донишмандлиги манбаларида ҳам қуйидагича келтирилади: «сўз тажрибага асосланмаган бўлса, ...бефойдадир» [Kalila va Dimna, 1994, 87]. Демак, тажрибада ўзини оқлаган илмий-оқилона нарса ва ҳаракат фойдали бўлади, фойдали нарса эса инсонийдир!

Маънавийлик мезони ҳақида шуни айтиб ўтиш керакки, инсонийлик – ҳам тараққиёт мезони, ҳам омили сифатида катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, ғайринсонийлик ижтимоий хаос манбаи бўлиб ҳисобланадики, бу ҳолат маданий ривожланмаганликни кўрсатади. Айтмоқчимизки, инсонийлик ва маданийлик орасида ўзига хос оралиқ ҳалқа мавжуд. Бу *ихтиёрийлик (толерантлик)* бўлиб, инсонийликнинг ижтимоий уйғунликка ўтишида ҳал қилувчи роль ўйнашини муваффақиятли раҳбарлар фаолияти таҳлили кўрсатади [Султонов, 2015; Ravshanov, 2018]. Шу маънода, муносабатга киришувчи томонлар (раҳбар ва ходим, устоз ва шогирд, педагог ва ўқувчи, ота-она ва фарзанд, эр ва хотин ва ҳ.к.) фаолиятида ўзаро ихтиёрийликнинг мав-

жудлиги маданият шарти ҳисобланади. Акс ҳолда, бир томоннинг фаолиятида ихтиёрийлик бўлса-ю, иккинчи томон ихтиёрсиз фаолият юритишга мажбур бўлса (ёки мажбур қилинса), бу маданиятнинг пастлигини англатади. Зеро, «...одамларни мажбуран ишга тортиш нотўғри, чунки зўрлик билан юклатилган вазифанинг яхши бажарилиши маҳолдир» [Kalila va Dimna, 1994, 189]. Шу асосда, инсонлараро муносабатдаги маданият мезонлари

орасида уйғунликнинг шарти бўлган ихтиёрийлик ҳам катта ўрин тутди. Унинг аҳамияти шундаки, биринчидан, фаолият сифати юқори бўлиб, яратилган моддий / маънавий бойликлар кадр-қиммати ошади, иккинчидан, бир-бирига бўлган ишонч (лоялик) ошиши асосида ижтимоий уйғунлик таъминланади. Жамият ёхуд табиат билан уйғунлик эса умумий барқарорликнинг асоси бўлиб, тизимнинг бардавомлиги шунга боғлиқ.

Ёндашув номи	Тарафдорлари	Маданиятнинг таърифи	Маданиятнинг қайси жиҳатини ифодалайди	Формуласи	Изоҳи
Эволюционистик	Ф.Г.Клемм, Э.Б.Тайлор, Л.Г.Морган, Ж.Ж.Фрезер	Инсон ҳаётининг ривожланиш босқичига, юқори-роқ даражага ўтиб боришидир	Натижасини	$Mad=R$	Mad – madaniyat R – rivojlanish, rivojlanganlik
Фаолиятли	Зардушт, Цицерон, марксизм	инсоннинг яратувчанлик фаолиятидир	Кўринишини	$Mad=IYF$	IYF – insonning yaratuvchanlik faoliyati
Технологик	Норматив	Сукрот, юристлар	Яратилган усулини	$Mad=IYF^{T(u+v)}$	T – texnologiya U – usul V – vosita IYF^{T(u+v)} – inson yaratuvchilik faoliyatida qo'llagan texnologiyasi (usul va vositalari)
	Методологик	Горький, С.Отамурастов			
	Традиционалистик	Конфуций			
Тузилмавий	Аксиологик	Неокантчилар Баден мактаби – Виндельбанд, Риккерт, М.С.Каган, А.Очилдиев	Мазмунини (акцидентиял шаклини)	$Mad=IYF^B$	B – boylik (modiy va nomoddiy) IYF^B – inson yaratuvchanlik faoliyati natijasidagi boyliklar
	Символик / семиотик	Пифагор, неокантчилар Марбург мактаби – Г.Коген ва бошқалар			
	Антропологик	Э.Гидденс, А.Маврулов			
Фундаментал/салоҳиятли	Психологик	Қобилиятшунослар	Ресурсини (субстанциял шаклини)	$Mad=IYF_s$ ($IQ+AZ+B+MA$)	S – salohiyat IQ – ijodkorlik qobiliyati AZ – aql-zakovat B – bilim MA – ma'naviy-axloqiy sifatlar IYF_s($IQ+AZ+B+MA$) – inson yaratuvchanlik faoliyati salohiyatga asoslanadi
	Рационалистик	Зардушт, Лавина, Сукрот, Гегель, позитивизм			
	Спиритуалистик	Зардушт, Кант, Гёте, А.Очилдиев,			
Меритологик	И.Каримов	Инсон фаолияти давомида қўлланилган усул ва воситаларнинг ҳамда фаолият натижасида яратилган бойликларнинг маънавийлиги (оқилонлиги, фойдалилиги, инсонийлиги, ихтиёрийлиги, уйғунлиги, барқарор ва бардавомлиги)дир	Моҳиятини	$Mad=(IYF^T + IYF^B) / Ma'n$ $exud$ $Mad=((IYF^T / O+F+In+Ix) + IYF^B / In))$ $\rightarrow U \rightarrow B$	Ma'n – ma'naviyat O – oqilonalik F – foydalilik, pozitiv In – insoniylik Ix – ixtiyoriylik U – uyg'unlik B – barqarorlik, bardavomlik ...→... - ... натижаси/... - ...ning ...ligi

Фундаментал илмий тадқиқотларда назарий мулоҳазаларни амалий ҳаётга боғлаш талаб этилиши ва бу математик ҳисоб-китобларга таянишидан келиб чиқиб, юқоридаги фикрларни математик-мантикий формулада акс эттириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шундагина назария амалиётга яқинлашади, амалиётдаги муаммоларга илмий ечим топиш имкони ошади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маданият – бу инсон томонидан яратувчанлик фаолияти жараёнида қўллаган усул ва воситаларининг ҳамда бунинг натижасида яратилган моддий ва номоддий бойликларнинг маънавийлиги бўлиб, маданиятни ривожлантириш учун унинг ресурсини бойитиш, воситаларини фаоллаштириш, ҳар бир фаолият жараёни ва натижаларини мезоний кўрсаткичлар асосида мунтазам баҳолаб бориш тақозо этилади. Шундагина маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ишига оқилона киришилади, нисбатан тизимли ёндашилган бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Alimardonov, Tülqin Turdievich (2005). „Siësat Va Akhloq“. Fan.
2. Ravshanov, Fazliddin (2018) “TOLERANCE: HISTORY AND DEVELOPMENT,” The Light of Islam: Vol. 2018: Iss. 1, Article 17. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2018/iss1/17>
3. Singer, Milton. (1968). «The concept of Culture». In International Encyclopedia of the Social Sciences. New York: Macmillan Press.
4. Ғарб фалсафаси (2004). Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: «Шарқ».
5. Гидденс Энтони. (2002). Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов. – Тошкент: «Шарқ» НМИАК Бош таҳририяти.
6. Горкий М. (1949). Собрание сочинений в 30 томах. Том 2. – М.: Художественная литература. – Б. 535.
7. Калила ва Димна: Ҳикматнома. (1994). С.Ғаниева таржимаси; Нашр учун масъул: Х.Назирова. – Тошкент: Истиқлол.
8. Каримов И.А. (2006). Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14. – Тошкент: «Ўзбекистон».
9. Каримов И.А. (2008). Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият.
10. Маврулов А.А. (1993). Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти: умумий ҳолати, муаммолар, тараққиёт йўналишлари (70-йилларнинг ўрталари – 1990 йил). Т.ф.д. ... диссертация. – Тошкент, Фан.
11. Отамурастов С. (2015). Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. – Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ.
12. Очилдиев А. (2010). Маданият фалсафаси. – Тошкент: «Муҳаррир нашриёти».
13. Скирбекк Г., Гиле Н. (2002). Фалсафа тарихи: олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Рус тилидан таржима В.Кузнецов. – Тошкент: «Шарқ» НМИАК Бош таҳририяти.
14. Султонов, А. Ф. (2015). Амир Темур бошқарув маданиятини таъминлашда толерантликнинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ ижтимоий фанлар факультети, 461.
15. Тайлор Э.Б. (1989). Первобытная культура. – Москва, Издательство политической литературы.
16. Туйчиева, Х. Н. (2014). Основы повышения правовой культуры в Республике Узбекистан. In Педагогическое мастерство (pp. 139-141).
17. Фалсафа: қомусий луғат. (2004). – Тошкент: «Шарқ» НМИАК Бош таҳририяти.
18. Цицерон. (2017). Тускуланские беседы. - Зотова А. М., перевод, комментарии. – Москва, «РИПОЛ классик».

